

Томди туман ҳокими ҳузурдаги
ТСРУИ дан 2009 йил «29» июн
№24-сон билан рўйхатдан
утказилган.

Томди туман ҳокими ҳузурдаги
ТСРУИ дан 2013 йил «25» февраль
№40-сон билан қайта
рўйхатдан утказилган.



Таъсисчи «иштрокчи»
2009 йил «17» июндаги
№5-сонли баён қарори
билан тасдиқланган

Таъсисчи «иштрокчи»
2013 йил «21» февралдаги
01-сонли қўшма йиғилиш
баёни қарори билан
тасдиқланган

«ТОМДИ-ФАЙЗ»

масъулияти чекланган жамияти
(ТАШКИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ВА МУЛИКЧИЛИК ШАКЛИ
ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛГАН, ЯНГИ ТАХРИРДА)

УСТАВИ



2013 йил

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1 «ТОМДИ-ФАЙЗ» масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва жамиятнинг таъсиси ҳужжатларига асосан фаолият кўрсатади.

Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”, Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунига ҳамда ушбу Уставга амал қилган ҳолда фаолият юритади.

1.2. Жамиятнинг тулик номи: «ТОМДИ-ФАЙЗ» масъулияти чекланган жамияти.

Кискартирилган номи: «ТОМДИ-ФАЙЗ» МЧЖ

1.3 Жамият ўз улушларини бирлаштириб, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳўжалик фаолиятида юритиш асосида, иштирокчиларнинг эҳтиёжларини туларок қондириш, жисмоний шахсларга қилма-қил хизматларини бажариш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг қелишувига биноан жамият ташкил этилди.

1.4. Жамиятнинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

Жамиятнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти Томди тумани, Жойлашган манзили, Зарафшон шаҳри Саноат зонасида жойлашган “Зарафшонтранс” МЧЖ маъмурий биноси.

1.5. Жамият иштирокчиси қуйидагидир:

(Жамият таъсисчилари)

“Зарафшон овози” масъулияти чекланган жамияти – Юридик шахсни давлат рўйхатидан утказиш тўғрисидаги №54 сонли гувоҳнома Навоий вилояти Зарафшон шаҳар ҳокимлиги “Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан утказиш инспекцияси” томонидан 2005 йил 15 декабрда берилган

1.6. Жамият иштирокчилари таркиби Ўзбекистон Республикаси қонуничилигига асосан умумий йиғилиш қарорига биноан жамият таркибига қўшимча юридик ва жисмоний шахсларни қабул қилиш ҳисобига оширилиши мумкин.

2. ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ.

2.1. Жамият давлат рўйхатидан утганидан сунг юридик шахс ҳисобланади.

2.2. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, шунингдек жамият шартномаси ва уставига таянади.

2.3. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, шунингдек жамият ҳам Давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Жамият унинг таъсисчиларининг шахсий мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

2.4. Жамият ўз номи кўрсатилган ва эмблемаси аке этирилган муҳр, бурчак тамгаси, шунингдек ўзининг товар белгиси эга бўлиши мумкин.

2.5. Жамият юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида амалга оширади, алоҳида мол-мулкга ва мустақил балансга эга, унга юклатилган ҳуқуқлардан фойдаланади, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятларни бажариш, Ўзбекистон Республикасининг судларида, ҳўжалик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.6. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан бошқа корхоналарнинг акция, облигация ва бошқа қимматли қозғаларини сотиб олиш ҳамда ер ва бошқа ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини олиши мумкин.

2.7. Жамият мустақил равишда ўз дастурларини белгилайди, иштирокчилар билан мувофиқлаштиради, шартномавий асосда жамиятнинг даромадини белгилаши мумкин, ички бозорда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш.хизмат)ларни реализация қилиш шартларини, баҳосини, шунингдек шу бозорда маҳаллий ва хорижий эркин муомаладаги валютада тавар ва хизматларни таъминлаш шартларини белгилайди.

2.8. Жамият ўз мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Иштирокчилар жамият устав жамгармаенга улуш сифатида берган мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

2.9. Жамият мустақил балансга эга ва тўла ҳўжалик ҳисобида, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, шунингдек валюта билан ўз-ўзини қоплаш ва молиявий таъминлаш, асосида иш юритади.

3. ЖАМИЯТНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналар, бўлимлар, бошқа алоҳида бўлимлар, шунингдек шуъба корхоналарни тузиш ҳуқиқига эга.

4. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

4.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад бозор инфраструктурасини шакллантириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ҳамда фаолият ҳисобидан фойда олиш.

4.2. Жамият ўз мақсаидан келиб чиқиб, қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- тошиш майдалаш, қайта ишлаш ва саралаш;
- шебен маҳсулотини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- фойлаш қазилмаларни қозиб олиш ва қайта ишлаш;
- қурилиш, қурилиш – таъмирлаш фаолияти билан шугулланиш;
- чакана савдо ва воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
- умумий овқатланиш фаолиятини амалга ошириш;
- аҳолига пуллик ва машиный хизмат кўрсатиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга транспорт хизматини кўрсатиш;
- халқ истеъмолчи буюмлари ишлаб чиқариш;
- ташқи иқтисодий алоқалар фаолиятини олиб бориш;
- атомобилларга техник, сервис хизматларини кўрсатиш;
- амалдаги қонун ҳужжатларида таъкиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланиш.

Махсус рўхсатнома (лицензия) олиш талаб қилинадиган фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

5. ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Жамиятнинг таъсисчиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг фаолиятига тегишли бўлган маълумотлар, шу жумладан бухгалтерия дафтарлари ва узга ҳужжатлар билан танишиш;
- жамиятнинг бошқарув ва назорат идораларига сайлаш ва сайланиш;
- жамият умумий йиғилишининг баённомалари билан танишиш;
- жамият таркибидан исталган вақтда чиқиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисmini ёки унинг қийматини олиш;

5.2. Жами улушлари жамият устав фондининг камида 10 фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қупол бузайтган ёхуд ўз ҳаракатлари билан жамиятнинг фаолият кўрсатишини жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибда чиқарилишини талаб қилишда ҳақлидирлар.

5.3. Жамият иштирокчилари жамият фаолияти туғрисидаги сир тугилиши лозим бўлган ахборотларни ошқор қилмасликлари шарт.

Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари:

5.4. Жамиятнинг ўз фаолиятини оширишда кўмаклашишлари, тегишли зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;

5.5. Жамиятда назарда тутилган тартибда жамият ишларини бажаришда иштирок этиш ва равожлантиришга ёрдам кўрсатиш;

5.6. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам булиши мумкин.

6. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ

6.1 Жамиятнинг мол мулки:

- иштирокчиларнинг улушларидан (устав жамғармасидаги);
- олинган даромад, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида рўхсат этилган бошқа асосларда олинган бошқа мол мулкдан таркиб топади.

6.2 Иштирокчиларнинг қўшган хисасидан, асосий фондлар ва айланма маблағлари, шунингдек қиймати жамиятнинг мустақил балансига акс этадиган бошқа бойликлар жамият мулкисини ташкил этади.

6.3. Жамият ўзига қарашли мол-мулкни бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сотиш ҳамда топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш учун бепул бериш ёки қарзга беришга, шунингдек агар қонун ҳужжатларида ва жамият уставида ўзга ҳоллар қузда тутилган бўлмаса, уларни баланс ҳисобидан чиқаришга ҳақлидирлар.

6.4. Жамият ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни фуқароларга сотишга, бепул беришга, ижарага беришга ҳақли, қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаронинг мулки бўла олмайдиган ёки у фойдалана олмайдиган ишлаб чиқариш воситалари ва ўзга моддий бойликлар бундан мустасно.

6.5. Жамият ўзига қарашли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. Жамият мол-мулкидан қонунда тақиқлаб қўйилмаган ҳар қандай ҳужалик фаолиятини ёки ўзга фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин. Давлат жамият мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган беради.

6.6. Жамият ўзининг мулкчилик ҳуқуқини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қузда тутилган шартлар асосида ва шартлар доирасида фуқаролар билан уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузади.

6.7. Жорий йилдаги ишлатилмай қолган маблағлар ва иқтимоий фондларнинг қолдиги қалғуси йилга қўчирилади ва марказлашган фондларга олинади.

6.8. Жамият қелишилган шартномаларга асосан ўз таркибига қирувчи бўлинмаларнинг ва бошқа ташкилотларнинг қарз маблағларидан, банк кредитларидан фойдаланади, ҳамда банк кредитларини тулаш учун ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фонди маблағларини йуналтиради.

7. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

7.1. Жамиятнинг Устав жамғармаси иштирокчилар ва таъсисчилар маблағи билан шакллантирилган.

7.2. Жамият иштирокчисининг жамият Устав жамғармасидаги улушини миқдори миллий валюта- сумда белгиланади. Жамиятнинг Устав жамғармаси бир йил ичида тулик шакллантириши лозим.

7.3. Жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий миқдори жамият соф активлари қийматининг унинг улуши миқдорига муносаиб бўлган бир қисмига мос бўлади.

7.4. Жамият иштирокчиси томонидан ҳиссасининг тулик қиритилганлиги жамият иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

7.5. Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан жамиятнинг Устав жамғармасига ҳисса тарикасида берилган мол-мулк у қанча муддатга берилган бўлса шунча муддат давомида жамият фойдаланишида қолади. Иштирокчилар жамиятнинг мол-мулки таркибига қирган алоҳида объектларга, шу жумладан улуш тарикасида жамият Устав жамғармасига иштирокчилар томонидан қиритилган объектга нисбатан алоҳида ҳуқуқларга эга эмас.

7.6. Жамиятнинг Устав фонди 395 585 463 минг (Уч юз туксон беш миллион беш юз саксан беш минг тўрт юз олмиш уч)

Жамият таъсисчиларининг Устав фондидидаги улуши:

“Зарафшон овози” маъсулияти чекланган жамиятининг 227 985 930 минг (Йкки юз йилгирига етти миллион тукқиз юз саксан беш минг тукқиз юз уттиз) сўмлик ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ва 167 599 533 минг (Бир юз олмиш етти миллион беш юз туксон тукқиз минг беш юз уттиз уч) сумлик тошни майдлаш ва саралаш ускуналари туплами жами 395 585 463 минг (Уч юз туксон беш миллион беш юз саксан беш минг тўрт юз олмиш уч) сўмлик мулкларини ҳисобидан иборат бўлиб 100,0 фоиз;

7.7. Жамият таъсисчилар ўз улушини нақд пул ва нақд пулсиз кўринишда, яъни асосий восита, асбоб-ускуна, бино-иншоот ва ердан фойдаланишга бўлган ҳуқуқи билан шакллантиради.

7.8. Жамият иштирокчилари жамиятнинг Устав жамғармасидаги улушларини бир йил ичида шакллантиришлари шарт.

8. УСТАВ ЖАМҒАРМАСИНИ ҚўПАЙТИРИШ ТАРТИБИ.

8.1. Жамият таъсисчилари умумий йиғилиш қарори билан жамият Устав жамғармасининг миқдори узгартирилиши (қушайтирилиши ёки қамайтирилиши) мумкин. Бунда жамият барча иштирокчилари улушларининг миқдори узгармаган ҳолда улар улушларининг номинал қиймати муносаиб равишда узгаради.

8.2. Жамият Устав жамғармасининг қушайтирилиши жамиятнинг мол-мулки ҳисобига ва жамият иштирокчиларининг қушимча ҳиссалари ҳисобига амалга оширилади.

жамиятга тегишли улушларининг ҳақини тўлаш орқали Устав жамгармасини камайтириши шарт.

8.7. Жамият барча иштирокчилари улушларининг номинал кийматини камайтириш йули билан жамиятнинг Устав жамгармасини камайтириш жамият барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилади.

8.8. Молия йили тугагандан кейин жамият соф актавларининг киймати жамиятнинг давлат руйхатидан ўтказилиши санасидаги ҳолатга қура қонунда белгиланган Устав жамгармасининг минимал миқдоридан кам бўлиб қолса жамият тугатилиши керак.

8.9. Жамиятнинг Устав жамгармасини камайтириш ёки жамиятни тугатиш тугрисидаги қарор қабул қилинмаса, унинг кредиторлари, шунинг давлат томонидан ваколат берилган идоралар жамиятни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

8.10. Жамият уз Устав жамгармасини камайтириш тугрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 кун ичида жамиятнинг Устав жамгармаси камайtirилгани ва унинг янги миқдори ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт.

8.11. Жамият иштирокчиси Устав жамгармасидаги уз улушини ёхуд унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёки бир неч иштирокчисига сотишга ёки узга тарзда улар фойдасига воз кечишга жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан бешга ҳақли.

8.12. Жамият иштирокчиси уз улушини учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

8.13. Жамият Устав и жамгармасидаги улушдан бошқа иштирокчига сотиш ва унинг фойдасига воз кечиш оддий ёзма шаклда амалга оширилади.

8.14. Жамият фондидаги улушлар жисмоний шахсларнинг меросхурларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтиши фақат жамиятдаги қолган иштирокчиларнинг розилиги билан йул қўйилади.

8.15. Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхури томонидан мерос қабул қилингунга қадар жамиятнинг вафот этган иштирокчиси ҳуқуқлари васиятномада қурсатилган шахс томонидан бундай шахс бўлмаган тақдирда нотариус тайинлаган бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

8.16. Жамиятнинг иштирокчиси жамиятнинг Устав и жамгармасидаги узига тегишли улушни жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан гаровга қўйишга ҳақлидир.

8.17. Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган жамият иштирокчисининг улуши жамиятга ўтади. Бунда жамиятдан чиққан иштирокчига бир йил мобайнида улушни чиқариши ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охири ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий кийматини тулаши шарт.

8.18. Жамиятга қарашли улуш у жамиятга ўтган қундан эътиборан бир йил ичида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг барча иштирокчилари уртасида уларнинг жамият Устав жамгармасидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёки жамиятнинг айрим иштирокчиларига берилиши мумкин.

8.19. Улушни жамият иштирокчиларининг улушлари миқдорлари ўзгарадиган тарзда жамият иштирокчиларига сотиш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарори восеида амалга оширилади.

9. ФОЙДАНИ ТАКСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОҒДЛАШ, ЖАМИЯТ ФОНДЛАРИ

9.1. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда ёки бир йилда бир марта узининг соф фойдасини жамият иштирокчилари уртасида тақсимлаш тугрисида қарор қабул қилинади.

9.2. Жамият фойдасини унинг иштирокчилари уртасида тақсимлаш учун мулжалланган қисми уларнинг жамият Устав жамгармасидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.3. Жамият қуйидаги ҳолларда уз фойдасини жамият иштирокчилари уртасида тақсимлаш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

- жамиятнинг бутун Устав жамгармаси тулик тулангунга қадар;

- фойдани тақсимлаш вақтида жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар жамиятда шундай қарор қилиниши натижасида пайдо бўлса;
- жамият соф активларининг қиймати унинг Устав жамгармасидан ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса.

9.4. Жамият уз фойдасини иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилган кўйидаги ҳолларда жамият иштирокчиларига фойдани тулашга ҳақли эмас:

- агар тулаш пайтида жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки мазкур белгилар жамиятда тулов натижасида пайдо бўлса;

- тулаш вақтида жамиятнинг ҳисоб активлари қиймати унинг Устав жамгармасидан ва захира фондидан кам бўлса ёки тулаш натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса.

9.5. Юқорида қўрсатилган ҳолат тугаганидан кейин жамият уз иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган фойдани тулаш шарт.

9.6. Жамият Устав жамгармасининг ун беш фоизи миқдорда жамият захира фондиди вужудга келтиради. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг Устав жамгармасида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдалан 5 % мажбурий ажратмалар утказиш орқали ташкил этилади.

9.7. Жамиятнинг захира фонди қурилган зарарни қоплаш ва жамият томонидан жамиятнинг устав жамгармасидаги улушни олиш учун ишлатилади.

9.8. Жамият бошқа фондлар ташкил қилиши мумкин.

10. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ЖАМГАРМАСИДАГИ УЛУШИНИНГ ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА УТИШИ.

10.1. Жамият иштирокчиси жамиятнинг Устав жамгармасидаги уз улушини ёхуд унинг бир қисмини жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки узга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битимни тузиш учун жамиятнинг ёки жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

10.2. Жамият иштирокчиси уз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

10.3. Жамият иштирокчисининг улуши тулик тулангунга қадар бўлган даврда у фақат туланган қисми бўйича бошқа шахсга утказилиши мумкин.

10.4. Жамият иштирокчилари жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга тақлиф қилинадиган баҳо бўйича уз улушлари миқдорларига муносабат равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар. Агар жамиятнинг бошқа иштирокчилари улушни (улушининг бир қисмини) сотиб олишда уларнинг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар, жамият узининг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушининг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

10.5. Уз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни қўрсатган ҳолда бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва жамиятни узини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Жамият иштирокчилари ва (ёки) жамият сотиш учун тақлиф қилинаётган бутун улушни (улушининг бутун қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан, шундай хабар берилган қундан эътиборан бир ой ичида фойдаланманган тақдирда улуш (улушининг бир қисми) жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабар қилинган баҳоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

10.6. Улушни (улушининг бир қисмини) жамият иштирокчилари миқдорларига муносабат равишда сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш тартибини белгиловчи қоидалар жамият Устав ида уни таъсис этиш чоғида назарда тутилиши, жамият барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган умумий йиғилишнинг қарорига биноан жамиятнинг Устав ига киритилиши, ўзгартирилиши ва жамиятнинг Устав идан чиқариб ташланиши мумкин.

10.7. Улуш (улушининг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузулган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) жамият, бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини узларига утказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар. Мазкур имтиёзли ҳуқуқдан бошқанин фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

10.8. Жамият Устав жамгармасидаги (устав капиталдаги) улушдан (улушининг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, оддий ёзма шаклда амага оширилиши керак. Устав жамгармасидаги (устав капиталдаги) улушдан (улушининг бир қисмидан) узганин фойдасига воз кечиш бўйича битимнинг Ушбу банд ёки жамиятнинг Устав ида белгиланган шаклига риоя эмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келинади.

10.9. Жамият Устав жамгармасидаги (устав капиталидаги) улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига воз кечилгани хақида бундай воз кечишнинг далилларини тақдим этган ҳолда ёзма равишда жамият хабардор қилиниши лозим. Жамиятнинг Устав жамгармасидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олувчи мазкур воз кечиш тугрисида жамият хабардор қилинган пайтдан эътиборан жамият иштирокчисининг ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларини амалга оширади.

10.10. Жамиятнинг Устав жамгармасидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олувчига жамият иштирокчисининг мазкур улушдан (улушнинг бир қисмидан) воз кечишига қадар юзага келган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари утади.

10.11. Жамиятнинг Устав жамгармасидаги (устав капиталидаги) улушлар жиёмоний шахсларнинг меросхурларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига утади.

10.12. Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда, унинг кредиторлари билан ҳисоб-китоб тугалланганидан сунг қолган унга қаршли улуш, агар қонун ҳужжатларида ёки тугатилаётган юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари уртасида тақсимланади.

10.13. Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхури томонидан мерос қабул қилинганга қадар жамиятнинг вафот этган иштирокчиси ҳуқуқлари васиятномада қурбатилган шахс томонидан, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса нотариус тайинлаган бошқарувчи томонидан амалга оширилади.

11. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.

11.1. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг энг юқори органи ҳисобланади.

11.2. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яққа бошчилик асосидаги ижро этувчи органи – директор томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг директори жамият таъсисчиларининг бўйруғи билан тайинланади.

11.3. Жамиятда умумий йиғилиш ҳар чоракда, ярим йилда ёки бир йилда бир марта (йиллик) утказилиши мумкин.

11.4. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатлари жумласига қуйидагилар қиради:

- жамият фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш;
- жамият Устав жамгармаси миқдорини узгартириш;
- таъсис ҳужжатларига узгартиришлар ва қўшимчалар қиритиш;
- жамият ижро органи аъзоларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамият тафтиш комиссиясини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тақдиклаш;
- жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш тугрисида қарор қабул қилиш;
- жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тақдиклаш;
- аудиторлик текширувини утказиш тугрисида қарор қабул қилиш ва хизматларига туланадиган ҳақнинг энг қуқ миқдорини аниқлаш;
- бошқа юридик шахсларни ва филиалларни тузиш тугрисида қарор қабул қилиш;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тақдиклаш;
- тузилишидан манфаатдорлик бўлмаган битим тузилган бўлса, мазкур битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг мол-мулк сотиб олиш ва мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш, агарда шартноманинг мағлаби бўлиб, қарор қабул қилинаётган санада жамият Устав жамгармасининг 50 % дан ортиқ қийматини ташқил этса.

11.5. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатларига қиритилган масалаларни унинг томонидан жамиятнинг ижро органига ҳал этиш учун топширилиши мумкин эмас.

11.6. Жамият фаолиятининг йиллик натижалари тақдикланадиган жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши йил тамом бўлганидан сунг 6 ой ичида утказилиши шарт. Умумий йиғилишни қақиритиш жамиятнинг ижро органи томонидан амалга оширилади.

11.7. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қақиритиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан:

- жамият иштирокчиларнинг умумий овозлар сонининг жами камида ундан бирига эга булган жамият иштирокчиларининг;

- жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан чакирилади.

11.8. Жамият ижро органиси навбатдан ташкари умумий йигилишини утказиш тугрисидаги талаб олинган санадан эътиборан 3 кун ичида мазкур талабни куриб чиқиши ва умумий йигилишни утказиш хакида ёки утказишни рад этиш тугрисида қарор қабул қилиши шарт.

11.9. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташкари умумий йигилиши бундай талабнома олинган кундан эътиборан 45 кундан кечиктирилмай утказилиши шарт.

11.10. Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишини чакирувчи орган уни утказишдан камида 30 кун олдин бу ҳақда жамият жойлашган манзилда ёзма равишда эълон қилиши керак.

11.11. Эълонда жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши утказиладиган вақт ва жой, таклиф қилинаётган масаланинг кун тартиби курсатилиши керак.

11.12. Жамият иштирокчилари умумий йигилишда шахсан ёки ўз вакилларига берган ишончномалари орқали иштирок этишга ҳақлидир.

11.13. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси умумий йигилишда жамиятнинг Устав жамгармасидаги ўз ўлишига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

11.14. Жамият иштирокчилари умумий йигилиши умумий овозлар сонининг 70 % дан кам бўлмаган овозлари мажбурдлигида (кворум) утказилади.

11.15. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан билан қабул қилинади:

- таъсис ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар;

- бошқа юридик шахсларни, ваколатхона ва филиалларни тузиш;

- жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансларини тасдиқлаш.

11.16. Кун тартибига киритиладиган бошқа масалалар бўйича қарорлар иштирокчилар умумий овозлари сонининг камида учдан икки қисмидан иборат қўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

11.17. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчилари умумий йигилишининг баённомасини ёзади.

11.18. Жамият иштирокчилари умумий йигилиши баённомаси йигилиш утказилганидан сунг 3 кундан кечиктирилмай умумий йигилиш раиси ва қотиби томонидан имзоланади.

11.19. Жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугрисидаги масалалар юзасидан қарорлар жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

11.20. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йигилиши йил якуни билан олти ойдан кечиктирилмасдан утказилиши лозим. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йигилиши жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан чакирилади.

12. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШINI ЧАКИРИШ ТАРТИБИ.

12.1. Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишини чакирувчи орган ёки шахслар уни утказишдан камида уттиз кун олдин бу ҳақда жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини жамият иштирокчиларининг руйхатида курсатилган манзил бўйича буюртма хат билан ёки жамиятнинг Устав ида назарда тутилган бошқа усулда хабардор қилиши шарт.

12.2. Хабарномада жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши утказиладиган вақт ва жой, шунинг таклиф қилинаётган кун тартиби курсатилиши керак.

12.3. Жамиятнинг исталган иштирокчиси жамият иштирокчилари умумий йигилишининг кун тартибига қўшимча масалаларни киритиш тугрисида уни утказишдан камида ун беш кун олдин таклифлар киритишга ҳақлидир. Қўшимча масалалар, Жамият иштирокчилари умумий йигилишининг ваколатлари жумласига кирмайдиган масалаларни истисно этганда, жамият иштирокчилари умумий йигилишининг кун тартибига киритилади.

12.4. Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишини чакирувчи орган ёки шахслар жамият иштирокчилари умумий йигилишининг кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган қўшимча масалалар таърифига ўзгартиришлар ҳақли эмаслар.

12.5. Агар жамият иштирокчиларининг таклифига биноан жамият иштирокчилари умумий йигилишининг дастлабки кун тартибига ўзгартиришлар киритиладиган бўлса, Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишини чакирувчи орган ёки шахслар умумий йигилиш утказиладиган кундан камида ун кун олдин Ушбу банднинг биринчи қисмида курсатилган усулда кун тартибига киритилган ўзгартиришлар хакида жамиятнинг барча иштирокчиларини хабардор қилишлари шарт.

12.6. Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишига таъергарлик куриш чогида жамият иштирокчиларига такдим этилиши лозим булган ахборот ва материаллар жумласига куйидагилар киради:

- жамият йиллик хисоботи;
- жамиятнинг йиллик хисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини текшириш натижалари бу йича жамият тафтиш комесиясининг (тафтишчисининг) хулосаси;
- молиявий хисоботларнинг тугрилиги ва бухгалтерия хисобини юригиш тартиби белгиланган талабларга мувофиқлиги тугрисидаги аудиторлик хулосаси;
- жамиятнинг ижро этувчи органига, ва жамиятнинг тафтиш комесиясига (тафтишчилигига) номзод (номзодлар) тугрисидаги маълумотлар.

12.7. Жамият иштирокчиларининг умумий йигилишини чакирувчи орган ёки шахслар уларга ахборот ва материалларни жамият иштирокчиларининг умумий йигилишини утказиш тугрисидаги хабарнома билан биргаликда юбориши шарт, кун тартиби узгартирилган такдирда, тегишли ахборот ва материаллар анна шундай узгартириш тугрисидаги хабарнома билан биргаликда юборилади. Курсатилган ахборот ва материаллар жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши утказилишидан олдин уттиз кун мобайнида жамият ижро этувчи органининг биносида танишиш учун жамиятнинг барча иштирокчиларига такдим этилиши керак.

13. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИ УТКАЗИШ ТАРТИБИ

13.1. Жамият иштирокчилари умумий йигилишда шахсан ёки уз вакиллари оркали иштирок этишга хақлидирлар. Жамият иштирокчиларининг вакиллари уз ваколатларини тасдикловчи хужжатни (ишончномани) курсатишлари лозим. Жамият иштирокчисининг вакилига берилган ишончнома конун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ва нотариал тартибда тасдикланган булиши керак.

13.2. Жамиятнинг иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари кун тартибидаги масалаларни мухокима килишда иштирок эти шва карорларни кабул килишда овоз бериш хукукига эгадирлар. Жамиятнинг жамият иштирокчиларининг курсатиб утилган хукуklarини чекловчи таъсис хужжатларининг коидалари ёки жамият органларининг карорлари хакикий эмас.

13.3. Жамиятнинг хар бир иштирокчиси умумий йигилишда жамиятнинг Устав жамгармасидаги (устав капиталидаги) уз улишига мутаносиб овозлар сонига эга булади.

13.4. Жамиятнинг руйхатдан утмаган иштирокчиси (жамият иштирокчисининг вакили) овоз беришда иштирок этишга хақли эмас.

13.5. Жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши жамият иштирокчиларининг умумий йигилишини утказиш тугрисида хабарномада курсатилган вакла ёки, агар жамиятнинг барча иштирокчилари руйхатдан утиб булган булса, олдинрок очилади.

13.6. Жамият иштирокчилари умумий йигилишининг карорлари очик овоз бериш йули билан кабул килинади. Жамиятнинг ижро этувчи органи жамият иштирокчилари умумий йигилишининг баённомаси юритилиши ташкил этилади.

14. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ОРГАНИ

14.1. Жамиятнинг жорий фаолиятига рахбарлик килиш жамиятнинг ижро этувчи органи рахбари-директор томонидан амалга оширилади.

14.2. Жамиятнинг ижро органи рахбари-жамият директори иштирокчилар умумий йигилишида купчилик овоз билан уч йил муддатга сайланади.

14.3. Жамият директори этиб факат жисмоний шахс сайланади, у жамиятнинг иштирокчиси булмаслиги мумкин.

14.4. Жамият директори ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига рахбарлик килишга доир барча масалалар киради, иштирокчилар умумий йигилишининг мутлок ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.5. Жамият директори:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, битим, шартнома ва бошка хужжатларни тузади;
- жамият номидан вакиллик килиш хукуки учун ишончномалар беради;
- жамият ходимлари билан мехнат шартномалари тузади ва уларни бекор килади, ходимларга ишбатан рагбатлантириш чораларини ва интизомий жазолар куллайди;
- жамиятнинг барча ходимларининг бажаришлари мажбурий булган буйруklar чикаради ва курсатмалар беради.

14.6. Жамият директорининг хукук ва бурчлари у билан тузиладиган шартномада белгилаб берилади.

14.7. Жамият директори уз ҳуқуқларини амалга оширишда ва уз бурчларини бажаришда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосланиб ҳамда жамият манфаатларини кузлаб иш тутиши лозим.

15. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

15.1. Жамиятнинг молявий – ҳужалик фаолияти устидан назоратни тафтиш комиссияси олиб боради. Тафтиш комиссияси уч кишидан иборат бўлиб, уч йил муддатга сайланади.

15.2. Жамият узининг молявий – ҳужалик фаолияти устидан бир йилда камда бир марта тафтиш утказиши шарт. Тафтиш комиссияси жамиятнинг ички аудитони олиб боради. Йиллик ахборот ва молявий ҳисоботни текшириш ва маъқуллаш учун жамият уз ҳисобидан махсус муассасаларни жалб қилган ҳолда ташки аудитни ташкил этиши мумкин.

15.3. Жамият ижро органининг аъзолари жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бўлишлари мумкин эмас.

15.4. Жамиятнинг молявий – ҳужалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг ташаббусига, иштирокчилар умумий йигилишининг қарорига ёки жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг жами камда ундан бир қисмига эга бўлган жамият иштирокчиларининг талабига биноан бир йиллик ёки бошқа давр учун фаолият якунларига кура амалга оширилади.

15.5. Жамият тафтиш комиссияси жамият йиллик ҳисоботларини ва бухгалтерия балансини улар жамият иштирокчиларининг умумий йигилишида тасдиқлангунга қадар мажбурий тартибда текширишдан утказишдан утказилади.

16. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САКЛАШ.

16.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни номуайян муддат мобайнида сақлаши шарт:

- жамиятнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда уларга киритилган узгартириш ва қўшимчалар;
- жамият муассислари йигилишининг жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ қарорларни уз ичига олган баённомаси;

- жамият давлат руйхатидан утказилганлиги тасдиқловчи ҳужжат;

- жамиятнинг уз балансида турган мо-мулк бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- жамиятнинг филиаллари туғрисидаги Устав лар;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

16.2. Жамият қуйидаги ҳужжатларни уч йил мобайнида сақлаши шарт:

- жамият иштирокчилари умумий йигилишларининг, жамият ижро органи ва тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари;

- жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотнинг ҳулосалари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

16.3. Жамият узига тегишли ҳужжатларни узининг ижро этувчи органи жойлашган ерда ёки жамият иштирокчиларига маълум бўлган ва улар учун қулай бўлган бошқа жойда сақлайди.

17. ЖАМИЯТНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ТАРТИБИ.

17.1. Жамият қуйидаги ҳолатларда қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

- Иштирокчиларнинг узаро келишувига кура;

- Фаолият рұхсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига биноан таъжиклаб қуйилган фаолиятни амалга оширган тақдирда суднинг қарорига мувофиқ;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа асосларда.

17.2. Жамиятни қайта ташкил этиш кушиб юбориш, бирлаштириш, булиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш иштирокчилар умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорларга асосланиб, жамият Устав ига узгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Жамият қайта ташкил этилганда таъсис ҳужжатларига ва давлат руйхатидаги реестрга узгартириш киритилади, тугатилган вақтда эса реестрга тегишли ёзув ёзиб қуйилади.

17.3. Жамиятнинг қайта ташкил этиш барча ҳуқуқ ва бурчларнинг мажмуи буйича ҳуқуқий ворислик тартибида унинг ворисига утган ҳолда топшириш ёки тақсимлаш ҳужжатиға мувофиқ утади.

Жамият иштирокчиларнинг умумий йигилиши жамиятнинг давлат руйхатга олган орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди ва тугатиш муддатини белгилаб олади.

17.4. Тугатиш комиссияси тайинланган вақтдан бошлаб жамият ишларини бошқариш буйича ваколат унга утади.

- 17.5. Тугатиш комиссияси жамиятнинг мавжуд мулкни баҳолайди, унинг кредиторлар ва дебиторларини аниқлайди, улар билан ҳисоб-китоб қилади, жамиятнинг учунчи шахслар

олдидаги қарзларини тулаш тадбирларини куради, шунингдек оралик тугатиш балансини тузади ва уни иштирокчилар умумий йиғилиши тасдиғига тақдим этади.

17.6. Кредиторлар ва бюджет олдидаги мажбурий туловлар буйича ҳисоб-китоб қилингандан сунг, тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади ва уни иштирокчилар умумий йиғилиши тасдиғига тақдим этади.

17.7 Тугатиш тўғрисида давлат рўйхатга олиш реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан бошлаб тугатиш якунланган, жамият эса тугатилган ҳисобланади.

18. ЖАМИЯТ УСТАВИНИНГ КУЧИ А КИРИШИ ВА АМАЛДА БУЛИШ МУДДАТИ

18.1 Мазкур УСТАВ жамият давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради ва жамият иштирокчилари умумий йиғилиши мазкур Уставнинг амалда бўлиш муддатини тўхтатиш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилгунига қадар амалда бўлади.

18.2. Мазкур Уставга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар, албатта, рўйхатдан ўтказиш шарти билан иштирокчилар умумий йиғилишининг қабул қилган қарорига мувофиқ ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин.

«TOMDI-FAYZ» маъсулияти
чекланган жамиятини таъсисчиси
«Зарафшон овози» МЧЖ раиси.



X. Бозоров

«Tomdi Fayz» маъсулияти
чекланган жамиятин раҳбари

Э.Файзиев

№ (H) рақарсан нобар тизмани,
номеради ани, муҳри ани. Ўзбекистон
Қонунчилик Маҷлиси Ташкили боғлиқ
И. Абдураҳмон *Abdurahmon*

25.02 2013 йил

